

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВ ЛАЗИЗ ЗАРИФБОЕВИЧ**

**МАХСУС ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР ОРҚАЛИ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ КООРДИНАЦИОН ҚОБИЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Холмуродов Лазиз Зарифбоевич**

Махсус жисмоний машқлар орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг  
координацион қобилиятини ривожлантириш.....5

**Холмуродов Лазиз Зарифбоевич**

Развитие координационных способностей детей дошкольного возраста с  
использованием специальных физических упражнений .....27

**Kholmurodov Laziz Zarifboevich**

Development of coordination of movements in preschool children using special  
physical exercise.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВ ЛАЗИЗ ЗАРИФБОЕВИЧ**

**МАХСУС ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР ОРҚАЛИ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ КООРДИНАЦИОН ҚОБИЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1/PhD/Ped478 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Умаров Джамшид Хасанович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алламуратов Шухратулла Иноятович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Ходжаев Фахриддин**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети А-бини, 1 қават, 114 хона).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Д.Халмухамедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, педагогика  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Б.Б.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мактабгача таълим тизими, узлуксиз таълим тизимининг бирламчи таркибий қисми сифатида, бола шахси ривожланишининг асосий пойдеворини яратишни таъминлашга қаратилмоқда. Турли мамлакатларнинг мактабгача таълим тизими таълим ва тарбиянинг мазмунини, шакллари, воситалари ва усулларини аниқлаш билан боғлиқ умумий муаммоларни хал қилишга интилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси умумий таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрин тутди, унинг асосий вазифаси – болаларни баркамол ривожланишини таъминлаш, соғлом, жисмонан ривожланган ва мукамал болани тарбиялаш ҳисобланади. Мактабгача таълим тизимида янги ёндашувлар, янги турдаги ва типдаги муассасаларнинг пайдо бўлиши, бу соҳада илмий тадқиқотларни ривожлантиришни, инновацион дастурлар ва лойиҳаларни яратишни талаб қилмоқда.

Кўпчилик мамлакатларда мактабгача таълим тизими ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, уларда болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, нормал ҳаёт фаолияти учун қулай шароитларни яратиш мақсадига қаратилган миллий таълим тизими мавжуд. Сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар, кам ҳаракатчан турмуш тарзи туфайли ривожланишида, жумладан координатив қобилиятларининг ривожланишида ортда қолаётган болалар сони ортиб бораётганлиги ҳақида далолат беради. Шу туфайли, болаларнинг жисмоний тарбиясида янги педагогик услубиятларни, технологияларни ва ёндашувларни ишлаб чиқиш устивор йўналиш бўлиб қолмоқда. Жисмоний тарбия услубиятидаги камчиликлар, мактабгача ёшдаги болалар ҳаракат режимининг норационал ташкил қилиниши, олимлар томонидан мактабгача таълим тизими соҳасининг долзарб муаммоси сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. «...Биз, энг аввало, илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш, мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда болада маънавий меъёрларнинг шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажрибанинг эгалланишини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит тизимни ишлаб чиқишимиз лозим».<sup>1</sup> Республикаимиз статистик маълумотларига (2018 й.) кўра, жами 5770 та ДМТМ (1808 та НМТМ) ларда 876 443 (48435 НМТМда) нафар ўғил ва қиз болалар тарбия олмақдалар, ушбу соҳани янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш, таълим-тарбия бериш орқали уларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш, замонавий таълим дастурлари ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

технологияларни жорий этиш масалаларига эътибор янада кўчайтирилмоқда. Мазкур маълумотларни инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг таълим-тарбия ва соғломлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш масаласи – кечиктириб бўлмас вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-сонли «Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари» буйруғи ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида қобилиятли болаларни аниқлаш, болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш, болалар ривожланишида индивидуал фарқланишлар мавжудлиги сабабли, ҳар бир болага дастлабки ҳаракат кўникмаларини шакллантириш асосида ёндашиш муҳим муаммолар қаторига киради.

Мактабгача ёшдаги болаларда ҳаёт учун зарур бўлган дастлабки асосий ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалалари бўйича Т.С.Усманходжаев, А.Н.Ливицкий, Р.С.Саломов, К.М.Махкамжонов,<sup>2</sup> мактабгача ёшдаги болаларни соғломлаштириш ва жисмоний машқларни бажаришга мослашиш назарияси бўйича Ф.Х.Ходжаев, Г.Қ.Жалолова, Ф.А. Раимбекова ҳамда бошқа ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар томонидан изланишлар олиб борилган.<sup>3</sup>

Статик ва динамик мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда координацион қобилиятни ривожлантириш учун махсус жисмоний машқларни машғулотларда қўллаш бўйича U.Forg, G.Ludwig; жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг ёш чегаралари бўйича P.Hirts;

<sup>2</sup> Usmonxajayev T.S., Islomova S.T. "Maktabgacha ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya" T.: "Ilm Ziyo" nash. 2006.; Ливицкий А.Н. умумий тахрири остида. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясининг назарияси ва методикаси. Дарслик. Т.: 1995. 458 б.; Salomov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati. 1 tom. Darslik. ITA-PRESS. T.:2015. 220 b.; Mahkamjonov K.M., Rasuleva M.Sh., va b. Maktabgacha yoshdagi bolalarning umumiy va kengaytirilgan jismoniy tarbiyasi. T.: "Ilm Ziyo" 2006. 174 b.;

<sup>3</sup> Jalolova G.Q. Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabga tayyorlash T.: metodik tavsiya 2004. Раимбекова Ф.А. Методическое пособие для воспитателей и инструкторов физической культуры дошкольных образовательных учреждений. Yangi nashr: 2017. 300 с.

жисмоний тайёргарликни оширишнинг илмий-услубий жиҳатлари бўйича N.Arnst, V.Auster; мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини ривожлантириш масалалари юзасидан M.E. Anderman, M.Dale, R.Taylor ва бошқа чет эл олимлари тадқиқотлар олиб борганлар.<sup>4</sup>

Таълим соҳасида мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари МДХ мамлакатлари етакчи олимларидан М.Н.Алиев, В.К.Бальсевич, М.А.Вершинин, М.А.Годик, С.И.Изаак; мактабгача таълим жисмоний тарбия жараёнида янги технологияларни қўллаш самарадорлиги масалалари М.П.Мухина, Т.М.Осокина, В.П.Назаров ва Л.В.Абдульманова; мактабгача таълимда жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини яхшилаш масалалари Н.А.Фомин, В.М.Шебеко, А.С.Махов, Н.В.Седих; мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатлари ва координацион қобилиятини ривожлантиришнинг асосий омиллари Л.П.Матвеев, Л.И.Пензулаева, В.И.Лях ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган<sup>5</sup>.

Лекин, мавжуд илмий-методик манбаларнинг таҳлилини кўрсатишича, мазкур диссертация ишида танланган махсус жисмоний машқлар орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини ривожлантириш, ушбу машқлар мажмуасини жисмоний тарбия дарсларида тўғри қўллаш ва меъёрларини тақсимлаш услублари ўрганилмаган. Юқоридаги маълумотлар асосида, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларида белгиланган вазифалар мазкур тадқиқот ишининг методологик асоси бўлиб хизмат қилади ва диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди, деб таъкидлашимиз мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний

<sup>4</sup> Fogt U Motility of 3-6 year old children. - Schorndorf, 1978. – 156 p.; Ludwig G. On the development of coordination among preschoolers // Coordination abilities - coordination competences.– University of Kassel. 2002. 147 p.; Hirts P. Coordination abilities in school sports. - Berlin: Folk and knowledge, 1985. – 145 p. Arnst N.V., Ponomarev V.V. - Motor preparedness of children of preschool age. ТиМФК: 2016. № 7. 31-35 p.; Auster B.V. - Development of coordination abilities of younger students in the process of physical education through the use of outdoor games on the water. 2018. № 7. 64 p.; Anderman E.M. – School effects on psychological outcomes during adolescence. Journal of Educational Psychology 2002. 795-809 p.; Dale E., Gerlach D.H. – Menstrual dysfunction in distance running // Obstet.Gynec. Surv. – 1998. Vol. 45 N 1. 49-51 P.

<sup>5</sup> Алиев М.Н., Магомедов И.М. Формирование и совершенствование функции равновесия у младших школьников / Теоретико-методологические проблемы непрерывного физкультурного образования. Махачкала, 1998. 46-48 с.; Бальсевич В. К. Физическое воспитание ребенка в семье //Физическая культура. - 1997. - №3. - с.50.; Вершинин М.А., Финогонова Н.В., Сабуркина О.А. – Физическое воспитание старших дошкольников на основе использования средств спортивных игр. ТиМФК: 2017. № 6 57-58 с.; Годик М.А. Совершенствование координационных способностей // Современная система спортивной тренировки. – М.: СААМ, 1995.-187-194 с.; Изаак С. И., Панасюк Т. В., Комиссарова Е. М. Дошкольники: рост, развитие, индивидуальность. Монография – М. – СПб, АРДЕН, 2005. – 209 с.; Мухина М.П., Кравчук А.И. – Формирование двигательных способностей дошкольников. ТиМФК: 2015. № 3. 20-24 с.; Осокина Т. М. Физическая культура в детском саду. – 3-е изд., перераб. – М.: Просвещение, 1986. – 304 с.; Назаров В. П. Координация движений у детей школьного возраста. – М.: ФИС, 1969. – 109 с.; Абдульманова Л.В. Педагогические основы развития самостоятельной двигательной активности детей старшего дошкольного возраста: Автореф. дис... канд.пед.наук. 1996. – 26 с.; Фомин Н.А. Физиологические основы двигательной активности. / Н.А. Фомин, Ю.Н. Вавилов. - М.: ФиС, 2006. — 224 с.; Шебеко В. М. Физическое воспитание дошкольников: учебн. пособие для студентов сред. пед. учебн. заведений. – 4-е изд., испр. – М.: Academia. 2000. – 171 с.; Махов А.С., Медведев И.Н. – Двигательная реабилитация детей с детским церебральным параличом. 2018. № 6. 8 с.; Седих Н.В., Балуева В.А., Полеткина И.И. – Формирование основ здорового образа жизни детей дошкольного возраста. ТиМФК: 2016. № 9. 18-22 с.; Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры (общие основы теории и методики физического воспитания, теоретико-методические аспекты спорта и профессионально-прикладных форм физической культуры): Учеб. пособие для ин-тов физ.культуры./ Л.П. Матвеев - М.: Физкультура и спорт, 2004. - 543 с.; Пензулаева Л. И. Физическая культура в детском саду: младшая группа. – М.: МОЗАИКА-СИНТЕЗ, 2015. – 80 с.; Лях В. И., Панфилова Н. В. Развивать координационные способности // Дошкольное воспитание. – 1991. – № 7. – С. 16–19 с.; Лях В. И. Двигательные способности школьников: основы теории и методики развития – М.: Терра-Спорт, 2000. – 192 с.; Лях В. И. Координационные способности: диагностика и развитие. – М.: ТВТ Дивизион, 2006. – 288 с.; Лях В. И. Физическая культура. Методические рекомендации. 1–4 классы: пособие для учителей общеобразовательных организаций / В. И. Лях. – М.: Просвещение, 2014. – 143 с.; Лях В. И. Развитие координационных способностей у дошкольников. изд., «Спорт» - М.: 2016. – 96 с.;

тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари истиқболли режасидаги «Махсус машқлар орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини ривожлантириш» йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болалар учун махсус жисмоний машқлар ва меъёрларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ва мувозанат сақлаш қобилияти даражаларини аниқлаш;

мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;

мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болалар учун махсус жисмоний машқлар мажмуаси ва меъёрларини ишлаб чиқиш;

координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болаларда махсус жисмоний машқларни қўллаш самарадорлигини тажрибада асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мактабгача ёшдаги болалар координацион қобилиятларини ривожлантиришнинг ташкилий-услубий асосларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, пульсометрия, антропометрия, машғулот жараёнининг таҳлили, педагогик тажриба, математик статистика усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик даражаси ва мувозанат сақлаш қобилиятининг ривожланишдан ортда қолиш (паст, ўрта ва юқори) даражалари аниқланган;

мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ривожланиш ва тайёргарликнинг ёшга хос назорат машқлари ишлаб чиқилган;

мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болаларнинг статик ва динамик мувозанат сақлаш қобилиятларини яхшиловчи махсус жисмоний машқлар мажмуаси ва меъёрлари ишлаб чиқилган;

координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини (статик ва динамик) яхшиловчи махсус жисмоний машқлардан жисмоний тайёргарликни такомиллаштирувчи восита сифатида мақсадли фойдаланишга йўналтирилган услубий ёндашув (фронтал, гуруҳли ва индивидуал) ишлаб чиқилган.



### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

координацион қобилиятни ривожлантириш шакллари, усуллари ҳамда воситалари, биз томонимиздан ишлаб чиқилган мактабгача ёшдаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш услубияти мактабгача таълим ёшидаги болалар билан жисмоний тарбия машғулотларини ташкил қилишда қўлланилиши мумкин.

ишлаб чиқилган илмий-назарий материаллар, ўқитиш тамойиллари, машқдан фойдаланиш усуллари, шунингдек, координацион қобилиятларни ривожлантириш ва мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш бўйича илмий ва амалий тавсиялардан мактабгача таълим тизимида, мактабгача таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия машғулотлари учун янги ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний соғломлаштириш, жисмоний тарбия машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазарига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар координацион қобилиятларни ривожлантиришда мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия машғулот жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш, мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш муаммоларига тааллуқли мактабгача таълимда жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани мазмунини бойитади ҳамда кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган болалар билан олиб бориладиган машғулотларни такомиллаштириш, махсус жисмоний машқлар билан узоқ вақт шуғулланишни ташкил қилиш, ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш ва МТМдаги жисмоний тарбия тарбиячисининг касбий фаолияти давомида касбий компетентлигини ривожлантириш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия машғулотларида мувозанат сақлаш ва координацион қобилиятларни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида:

мактабгача ёшдаги болаларда координацион қобилиятларни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган махсус жисмоний машқлар мажмуаси «Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия назарияси ва услубияти» ўқув қўлланмасида баён қилинган (Ўзбекистон Республикаси

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 03-07-08-2644-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача ёшдаги болаларнинг статик мувозанат сақлаш қобилияти 10,5%га яхшиланган;

ишлаб чиқилган махсус машқлар мажмуаси ҳамда унда қўлланилган восита ва услублар «Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия назарияси ва услубияти» ўқув қўлланмасида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 03-07-08-2644-сонли маълумотномаси). Натижада болаларнинг динамик мувозанат сақлаш қобилияти 7,6% га ривожланишига эришилган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик даражаларини оширишга йўналтирилган махсус жисмоний машқлар мажмуаси «Болалар ва ўсмирлар спорти асослари» ўқув қўлланмасида ёритилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 03-07-08-2644-сонли маълумотномаси). Натижада жисмонан ривожланишда ортда қолаётган болаларнинг жисмоний ривожланиши даражаси 7,6% га ва жисмоний тайёргарлиги даражаси 8,5% га яхшиланган;

координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган мактабгача ёшдаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини яхшиловчи восита сифатида махсус жисмоний машқлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, «Болалар ва ўсмирлар спорти асослари» ўқув қўлланмасида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 19 июлдаги 03-07-08-2644-сонли маълумотномаси). Натижада болаларнинг ҳаракатлар координацияси ўртача 11,2% га ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий ҳолатлари ва натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий ишлар, жумладан 2 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (2 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 126 саҳифали матн, 14 та расм, 24 та жадвал, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти, предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, республика фан ва

технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини ривожлантириш муаммоси юзасидан илмий-услубий адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний соғломлаштириш ва уларни ёшга оид хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда координацион қобилиятлари ва жисмоний сифатларини ривожлантириш муаммолари, жисмоний тарбияси ва соғломлаштиришга йўналтирилган ўқув-машғулот жараёнини ташкиллаштириш муаммоларининг таҳлили, болаларнинг мувозанатни сақлаш қобилиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масалалари, ҳаракат қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган болалар учун махсус жисмоний машқларни қўллашнинг аҳамияти ва илмий-услубий моҳияти мутахассис-олимлар фикр-мулоҳазалари ва хулосалари асосида очиб берилган.

Мактабгача таълим муассасаларидаги анъанавий жисмоний тарбия машғулотлари бўйича дастурлар болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган эмаслиги, уларнинг индивидуал имкониятларини инобатга олмаган ҳолда ишлаб чиқилганлиги ва ўсиб келаётган ёш организмнинг талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги исботлаб берилди.

Мавжуд адабиётларда соғломлаштиришга йўналтирилган дастур ишлаб чиқиш, болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш, соғломлаштириш тадбирларини кўпайтириш зарурати тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд, машқларнинг соғломлаштирувчи механизми очиб берилмаган.

Мактабгача ёшдаги болалар учун координацион қобилиятларни ўз вақтида ривожлантиришнинг муҳимлиги ва зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, мувозанат сақлаш қобилиятини айнан шу даврда ривожлантириш болаларнинг келажакда ўзлаштиришлари лозим бўлган ҳаракат кўникма ва малакалари учун асос бўлиб хизмат қилиши кўрсатиб берилди.

Л.П.Матвеев (1991), А.Н.Ливицкий (1996), В.И.Лях (2016) каби олимларнинг таъкидлашича, инсонни турли статик ва динамик мувозанатни сақлаб туриш қобилияти махсус жисмоний машқ ҳамда машғулотларни талаб қилувчи муҳим восита ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш мувозанат сақлаш қобилиятини ривожлантиришни ўз ичига олган координацион қобилиятларни такомиллаштиришга катта талаблар қўяди. Кўпгина махсус жисмоний машқларни сифатли бажариш мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия дарсларида назарда тутилган ҳаракат кўникмаларига, болаларнинг тайёргарлиги даражасига қаршилик қилувчи мувозанат сақлаш қобилиятининг ривожланиш даражасига боғлиқлигини таъкидлаб ўтишган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари ва ташкил этилиши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни амалга ошириш учун қўлланилган илмий-тадқиқот усуллари ҳамда статик ва динамик ҳаракатларни, координацияга хос ҳаракатларни бажара олиш кўрсаткичлари даражасини текшириш усуллари, дастлабки натижалар ёритиб берилган.

Тадқиқот ва педагогик тажрибани ташкил этиш масалалари, илмий ва илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик кузатувлар, педагогик назорат синовлари, педагогик назорат машқ (тест) лар, педагогик тажриба ва математик статистика усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болалар координацион қобилиятларини ривожлантиришнинг услубий шакллари”** деб номланган учинчи бобида, биз ишлаб чиққан махсус жисмоний машқлар мажмуаларини болаларнинг мувозанат сақлаш қобилияти ва жисмоний ривожланиши кўрсаткичларига таъсири натижалари баён қилинган. Болаларнинг координацион қобилиятларини яхшиланиши махсус назорат машқлари асосида ўрганилди.

Координацион қобилиятнинг ривожланишини самарали бошқариш учун мактабгача ёшдаги болаларда мувозанатни сақлаш функциясини шакллантириш ва такомиллаштириш, статик ва динамик мувозанатни сақлаш бўйича эришилган даражани аниқлаш ва шунга мувофиқ таълимнинг мавжуд воситалари ва усулларидан фойдаланиш зарур.

Координацион қобилиятни ривожлантириш ва баҳолаш мезони тўртта: тўғрилиқ, тезкорлик, оқилоналиқ ва топқирлик, сон ва сифат жиҳатидан тавсифга эга (1-расм). Мисол учун, бола тўғри (аниқ) югуриши, сакраши ва бирон-бир буюмни улоқтириши мумкин. Бунинг устига, буни тез ва оқилона тарзда бажара олади, шу билан бирга бола қийин ўйин ёки ҳаётий вазиятлардан ўз вақтида ва топқирлик билан чиқиб кетиш йўлини топа олади. Бу координацион қобилиятнинг яхши ташқи кўринишини белгилаб беради.



1-расм. Координацион қобилиятни баҳолаш мезони (В.И. Лях бўйича, 2006)

Статик мувозанатни сақлаш кўрсаткичларини белгиланган мезонлар орқали статистик таҳлил қилиш асосида махсус назорат машқлари, тестлари ва усуллари ёрдамида мувозанат сақлаш функцияси паст ва ўртадан паст даражада ривожланган болалар гуруҳи аниқланди.

Статик ва динамик мувозанатни сақлаб туриш қобилиятини энг юқори ривожланиши 5-6 ёшли ўғил болаларда ва барча ёшдаги қиз болаларда кузатилди, лекин, улар орасида яққол фарқлар аниқланмади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини нотекис ривожланиши

аниқланди. Статик ва динамик мувозанатни сақлашга йўналтирилган машқларни соддалаштириш орқали болаларнинг координацион қобилиятини жадал ўсишига ва уни мактаб ёшигача сақланиб қолишига эришилди.

Координацион қобилиятларнинг ривожланиш кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш, барча ёшдаги қизларнинг кўрсаткичлари юқорироқ эканлигини кўрсатди, бу ҳолат, мувозанат сақлаш қобилиятини тартибга солишда иштирок этувчи вестибуляр анализатор ривожланишининг юқорилиги билан белгиланади (1-жалвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Ривожланишдан ортда қолаётган 5-6 ёшли болаларда СМС қобилиятининг ёш бўйича кўрсаткичлари

Т/р	Назорат машқлари	Жинси	Берилган ҳолатнинг давомийлиги			
			5 ёш		6 ёш	
			$\bar{x} \pm \sigma$	v	$\bar{x} \pm \sigma$	v
1	Бир оёқда статик мувозанат сақлаб туриш, сек.	Ў	5,36±0,67	12,5	6,84±0,84	12,3
		Қ	6,15±0,75	12,1	7,10±0,83	11,7
2	Кўзларни юмган ҳолда бир оёқда статик мувозанат сақлаб туриш, сек.	Ў	2,11±0,26	11,6	2,46±0,29	12,0
		Қ	2,26±0,28	11,7	2,64±0,27	10,2
3	Икки оёқда мувозанат сақлаб туриш, сек.	Ў	59,6±7,01	13,7	76,8±8,62	11,3
		Қ	67,8±7,7	13,4	80,9±8,99	11,1
4	Кўзларни юмган ҳолда икки оёқда мувозанат сақлаб туриш, сек.	Ў	8,94±1,05	10,1	10,95±1,23	11,2
		Қ	9,65±1,12	10,6	11,12±1,28	12,5
5	“Қалдирғоч” ҳолатини ушлаб туриш, сек.	Ў	2,11±0,26	11,3	2,46±0,31	7,9
		Қ	2,24±0,34	11,8	2,57±0,37	14,5
6	Кўзларни юмган ҳолда “қалдирғоч” ҳолатини ушлаб туриш, сек.	Ў	1,24±0,20	16,1	1,35±0,23	15,3
		Қ	1,33±0,22	16,7	1,56±0,24	15,6


Тадқиқот давомида болаларнинг 74 (37%) ва 88 (44%) нафарида статик ва динамик мувозанат сақлаб туриш қобилиятининг ривожланиши паст ва ўртадан паст даражада эканлиги, улар ёшга оид меъёрлардан сезиларли даражада ортда қолаётганлиги, бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишида ҳаракат координацияси суст ривожланганлиги аниқланди. Бу, мактабгача ёшдаги болаларда мувозанат сақлаш қобилиятини ривожланишини тартибга солувчи вестибуляр аппарат ва ҳаракат анализаторларининг функционал тайёргарлигини етарли даражада ривожланмаганлигидан далолат беради.

Мувозанат сақлаш қобилиятининг ривожланиши етарли даражада бўлган болаларда жисмоний тайёргарлигининг ривожланиши талаб даражасида эмас.

Биз ишлаб чиққан махсус жисмоний машқлар мажмуаларини қўллаш орқали, болаларда икки оёқда мувозанат сақлаб туриш машқини бажариш вақти бирмунча ошди: 5 ёшли ўғил болаларда - 31,0 сек.га, қизларда - 31,1 сек.га; 6 ёшли ўғил болаларда - 39,1 сек.га, қизларда - 39,8 сек.га.

Кўзларни юмган ҳолда бир оёқда статик мувозанат сақлаб туриш машқини бажаришда мувозанатни сақлаш муддати қисқарди: 5 ёшли ўғил болаларда - 4,01 сек.га, қизларда - 4,21 сек.га; 6 ёшли ўғил болаларда - 5,01 сек.га ва қизларда - 5,72 сек.га.

Жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражалари паст бўлган болаларда, статик мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишининг паст ва ўртадан паст кўрсаткичлари кузатилди. Уларнинг кўзларни юмган ҳолда бир оёқда туриб мувозанатни сақлаш машқларини бажариш кўрсаткичлари 2-расмда кўрсатилган.



Кўрсаткичларнинг ўсиш даражаси

**2-расм. Координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган 5-6 ёшли болаларнинг статик мувозанат сақлаш қобилиятининг % кўрсаткичлари (кўзларни юмган ҳолда бир оёқда мувозанат сақлаш машқини бажариш).**

Келтирилган маълумотлар ушбу ёшдаги болаларда ҳаракатлар мувозанатини ва статик мувозанатни сақлаш даражаси кучсиз ривожланганлигидан далолат беради. Ривожланиши ортда қолаётган болаларнинг мавжудлиги махсус жисмоний машқларни қўллаш орқали вестибуляр анализаторни ёшга оид тўлақонли шакллантириш зарурлигини кўрсатди.

Динамик мувозанат функциясининг ривожланганлик даражаси махсус жисмоний машқларни бажариш ҳамда кўзлар очиқ ва юмиқ ҳолатда машқ бажариш вақтини аниқлаш орқали ўрганилди. Асосий гуруҳ деб таснифланган 5-6 ёшли болаларнинг динамик мувозанатни сақлаш функциясини ёшга оид кўрсаткичлари 2- ва 3-жадвалларда келтирилган.

**Координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган 5-6 ёшли болаларда динамик мувозанат сақлаш қобилиятининг ёшга хос ривожланиш кўрсаткичлари**

Ёши	Жинси	Гимнастика ўриндиғида юриш (сек.)		Кўзни юмган ҳолда гимнастика ўриндиғида юриш, (сек.)	
		$\bar{x} \pm \sigma$	$v$	$\bar{x} \pm \sigma$	$v$
5 ёш	Ў	6,10±0,17	2,7	9,58±0,24	2,5
	Қ	5,80±0,39	6,7	9,42±0,79	8,4
6 ёш	Ў	5,57±0,44	7,9	9,12±0,72	7,9
	Қ	5,50±0,45	8,3	8,56±0,69	8,1


**Асосий гуруҳдаги 5-6 ёшли болаларда динамик мувозанат сақлаш қобилиятининг ёшга хос ривожланиш кўрсаткичлари**

Ёши	Жинси	Гимнастика ўриндиғида юриш (сек.)		Кўзни юмган ҳолда гимнастика ўриндиғида юриш, (сек.)	
		$\bar{x} \pm \sigma$	$v$	$\bar{x} \pm \sigma$	$v$
5 ёш	Ў	5,10±0,26	5,1	8,54±0,5	5,8
	Қ	4,74±0,33	6,9	8,40±0,6	7,1
6 ёш	Ў	4,51±0,26	5,9	8,10±0,45	5,5
	Қ	4,44±0,39	8,7	7,88±0,46	5,9

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, ўғил ва қиз болалардаги динамик мувозанат сақлаш кўрсаткичлари аста-секин яхшиланган. Болаларнинг ёши улғайган сари гимнастика ўриндиғида кўзлари очиқ ва юмилган ҳолда машқ бажариш вақтининг бир меъёрда пасайиши кузатилди. Координацион ривожланиши ортда қолаётган 5-6 ёшли болаларни 4 м узунликдаги гимнастика ўриндиғида юриш вақтининг фарқи 5 ёшли ўғил ва қиз болаларда (асосий гуруҳдагиларга нисбатан) 1,03 сек.га, 6 ёшлиларда - 1,06 сек.га пасайганлиги аниқланди. Кўзни юмган ҳолда гимнастика ўриндиғидан юриб ўтиш машқининг кўрсаткичлари қисман бир хил даражада деб айтиш мумкин. Ёши катталашган сари ўтиш тезлиги ортади. Кўп ҳолатларда ҳаракатланиш тезлигидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончсиз эканлиги аниқланди. Лекин, 5 ва 6 ёшли ўғил ва қиз болаларда гимнастика ўриндиғида юриш тезлиги ва вақти орталиғидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончли ( $p > 0,05$ ) бўлди.

Кўришиб турибдики, динамик мувозанатни сақлаш сифатининг ривожланиши кўрсаткичи паст ва ўртача бўлган болаларнинг энг кўп сони 5-6 ёшлиларда кузатилмоқда. Динамик мувозанатни сақлаш қобилиятининг функционал ривожланишини паст даражаси 20%, ўртачадан паст даражаси 24% болаларда кузатилди. Бу тоифа болаларда мувозанатни сақлаш машқини бажаришда, айниқса, ўриндиқ устида, баланд ва чекланган таянч юзада юришда ён томонларга оғишлар, мувофиқлаштирилмаган ва ишончсиз ноаниқ ҳаракатлар кузатилди. Ўғил ва қиз болаларнинг 10-12 % бош айланишидан шикоят қилиб, баландликда машқ бажаришдан, бир қисми эса, катта

баландликдан тушиб кетишдан кўрқиб, машқни бажаришдан бош тортди. Бу, болаларда динамик мувозанатни сақлаш қобилиятини, вестибуляр аппаратининг функционал тайёргарлигини ва динамик мувозанатни сақлашга жалб қилинган анализаторларнинг паст даражада ривожланганлигини кўрсатади. Мувозанатни сақлаш функцияси ривожланишдан ортда қолаётган болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси 3-расмда келтирилган.



**3-расм. Мувозанатни сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган болалар жисмоний тайёргарлигининг ёшга оид тавсифи.**

Жисмоний тарбия машғулотида болаларнинг жисмоний ривожланиш даражасини чеклаб қўймаган ҳолда ривожланишида ортда қолаётган болаларнинг ортиқча жисмоний юклама олмаслигига эътибор қаратилди. Бундай болаларнинг ҳар бирининг ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда амалга ошириладиган алоҳида ёндашув зарур бўлди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг мувозанат сақлаш функциясини ривожлантириш ва жисмоний тайёргарлигида ортда қолаётган болаларга хилма-хил индивидуал ёндашувни жорий этишнинг аҳамияти ва зарурлиги Н.А.Бернштейн, Э.Я.Степаненкова, В.И. Лях каби олимларнинг ишларида эътироф этилган.

Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини мувозанат сақлаш қобилияти кўрсаткичлари билан таққослаш, координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолган болаларнинг жисмоний ривожланиши, ҳаракат тезлиги, тезкор-куч сифатлари асосий гуруҳдаги тенгдошларига нисбатан анча паст даражада эканлигини кўрсатди.

Ҳаракат ва координацион қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш вақтида мувозанат сақлаш функцияси ривожланишдан ортда қолаётган болаларда жисмоний сифатларининг ривожланишида ёшга оид ва индивидуал хусусиятларни инобатга олиш зарур.

Биз ишлаб чиққан махсус жисмоний машқлар мажмуаси мувозанат сақлаш қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган болалар гуруҳи учун восита сифатида қўлланилди ва амалиётга жорий қилинди (4-жадвалга қаранг).



**Мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилиятини  
ривожлантириш учун махсус жисмоний машқлар мажмуаси (5-6 ёш учун)**

Т/р	Дастур бўлимлари*	Машқни бажариш давомийлиги	Меъёри	Дам олиш оралиғи	Ҳафта кунлари
1	Бир чизикда туриш	53,7-55,5 сек.	3 марта	1 мин.	Душанба
	Бир оёқда туриш	7,25 сек. ва ундан кўп	5-6 марта	1-1,5 мин.	
	“Слалом” (эстафета)	жамоанинг ўртача натижасига кўра	1 марта	2-3 мин.	
2	Гимнастика ўридиғи-да бурилишлар	14 сек.ва ундан кам	2 марта	1-1,5 мин.	Сешанба
	Гимнастика ўридиғида мувозанат сақлаб юриш	7,5 сек.ва ундан кам	2-4 марта	30 сек.	
	Гимнастика халқаси билан югуриш (эстафета)	жамоанинг ўртача натижасига кўра	1 марта	1,5-2 мин.	
3	Рангли тўпга югуриш	11,5-14,5 сек.	2-3 марта	1,5-2 мин.	Чоршанба
	Белгиланган нуқтага сакраш	5-12 см. оралиғида	2-3 марта	30 сек.	
	“Чигирткалар” (эстафета)	жамоанинг ўртача натижасига кўра	1 марта	1,5-2 мин.	
4	Гимнастика таёқчаси устидан ҳатлаб ўтиш	21,5-24,5 сек. (ҳар бир оёқ учун)	2-3 марта	1-1,5 мин.	Пайшанба
	Кўзларни юмган ҳолда жойида юриш	30 сек.ва ундан юқори	3 марта	30 сек.	
	“Кенгуру” (эстафета)	жамоанинг ўртача натижасига кўра	1 марта	2-3 мин.	
5	Бир чизик бўйлаб юриш (“Ғозлар”)	12,5-15,2 сек.	3 марта	1-1,5 мин.	Жума
	“Қалдирғоч(лар)”	3,5 сек.дан юқори	3 марта	1- мин	
	Катта тўп устида мувозанат сақлаш	жамоанинг ўртача натижасига кўра	1 марта	2-3 мин.	

Изоҳ: Ҳар бир машқни бажаришда йўриқчи болаларга хато ва камчиликларини айтиб туриши ҳамда имкон қадар уларни жойида бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим.

Диссертациянинг **“Педагогик тадқиқот давомида мактабгача ёшдаги болаларни мувозанатни сақлаш қобилияти, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг яқуний таҳлили”** деб номланган тўртинчи бобида координацион қобилияти ривожланишдан ортда қолаётган болаларда махсус жисмоний машқларни қўллаш самарадорлиги тажрибада текширилди ва болаларнинг мувозанатни сақлаш қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам берадиган услубий ёндашув амалга оширилди.

Педагогик тадқиқотда 5-6 ёшли болалар катнашдилар (n=200), улар тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳларига ажратилди. Жисмоний тарбия машғулотида НГ да анъанавий мактабгача таълим дастури асосида, ТГда эса, биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва юқорида батафсил баён қилинган махсус жисмоний машқлар мажмуаси асосида олиб борилди. Болаларнинг жисмоний

тайёргарлик, жисмоний ва координацион қобилиятларини ривожланиш даражасини аниқлаш учун ушбу махсус жисмоний машқлар ва синов меъёрларини акс эттирувчи назорат машқ (тест)лари қўлланилди. Педагогик кузатиш давомида ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича олинган натижалар ўғил ва қиз болалар ўртасидаги мувозанатни сақлаш қобилияти даражасида катта фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатди (5- ва 6-жадваллар).

#### 5-жадвал

#### Тажриба гуруҳи ўғил ва қиз болаларида статик мувозанатни сақлаш қобилиятининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси (5-6 ёш)

Т/р	Назорат машқлари	Жинси	Тадқиқот бошида	Тадқиқот охирида	t	p
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$		
1	Бир оёқда статик мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	6,12±0,78	7,10±0,87	4,28	<0,001
		Қ	6,58±0,77	7,31±0,79	4,19	<0,001
2	Кўзларни юмган ҳолда бир оёқда статик мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	2,23±0,35	2,57±0,38	2,94	<0,05
		Қ	2,41±0,37	2,69±0,40	2,90	<0,05
3	Икки оёқда мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	68,24±4,43	79,15±4,47	4,19	<0,001
		Қ	73,31±4,69	81,43±4,77	4,16	<0,001
4	Кўзларни юмган ҳолда икки оёқда мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	9,94±1,37	11,12±1,39	3,18	<0,001
		Қ	10,42±1,41	11,45±1,44	3,23	<0,001
5	“Қалдирғоч” ҳолатини ушлаб туриш, сек.	Ў	2,28±0,28	2,81±0,29	3,61	<0,001
		Қ	2,32±0,29	2,92±0,24	3,64	<0,001
6	Кўзларни юмган ҳолда “қалдирғоч” ҳолатини ушлаб туриш, сек.	Ў	1,29±0,18	1,64±0,16	2,98	<0,05
		Қ	1,32±0,19	1,73±0,21	2,91	<0,05

Кўриниб турибдики, бир оёқда статик мувозанат сақлаб туриш назорат машқини бажаришда (М.Е.Ромберг синови) тажриба гуруҳи ўғил болалари 1,2 сек.га, қизлар эса 0,83 сек.га натижаларини яхшилашди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳидагиларникига нисбатан 3-4 марта юқори бўлди. Тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқлар барча ҳолатларда ишончли ( $p < 0,05$ ). Ушбу машқларни кўзларни юмган ҳолда бажаришда барқарор ҳолатни ушлаб қолиш вақти тажриба гуруҳи ўғил болаларида 0,44 сек.га, қизларда 0,38 сек.га, назорат гуруҳида эса, мос равишда - 0,09 ва 0,12 сек.га яхшиланди ( $p > 0,05$ ).

Икки оёқда статик мувозанат сақлаб туриш машқини бажаришда берилган ҳолатни сақлаб туриш давомийлиги (М.Е.Ромберг синови) қуйидагича ошди: тажриба гуруҳи ўғил болаларида - 10,9 сек.га, қизларда - 8,1 сек.га ( $p < 0,001$ ), назорат гуруҳида эса, мос равишда 3,5 ва 4,1 сек.га. Ушбу машқларни кўзларни юмган ҳолда бажариш вақти тажриба гуруҳидаги ўғил болаларда 1,18 сек.га, қизларда 1,03 сек.га, назорат гуруҳида эса, мос равишда

0,43 ва 0,46 сек.га ўсганлиги аниқланди. Иккала гуруҳлар ўртасидаги фарқ - 1,07 сек.ни ташкил қилди.

6-жадвал


**Назорат гуруҳи ўғил ва қиз болаларида статик мувозанатни сақлаш қобилиятининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси (5-6 ёш)**

Т/р	Назорат машқлари	Жинси	Тадқиқот бошида	Тадқиқот охирида	t	p
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$		
1	Бир оёқда статик мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	5,91±0,65	6,24±0,78	2,90	<0,05
		Қ	6,42±0,63	6,77±0,69	1,93	>0,05
2	Кўзларни юмган ҳолда бир оёқда статик мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	2,44±0,31	2,53±0,30	1,76	>0,05
		Қ	2,49±0,32	2,61±0,29	1,70	>0,05
3	Икки оёқда мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	66,63±6,31	70,19±6,61	1,88	>0,05
		Қ	74,61±6,28	78,62±6,81	2,85	<0,05
4	Кўзларни юмган ҳолда икки оёқда мувозанатни сақлаб туриш, сек.	Ў	9,82±1,27	10,25±1,26	1,52	>0,05
		Қ	10,45±1,32	10,91±1,34	1,55	>0,05
5	“Қалдирғоч” ҳолатини ушлаб туриш, сек.	Ў	2,42±0,31	2,55±0,29	1,88	>0,05
		Қ	2,45±0,32	2,62±0,33	1,85	>0,05
6	Кўзларни юмган ҳолда “қалдирғоч” ҳолатини ушлаб туриш, сек.	Ў	1,28±0,18	1,34±0,16	1,57	>0,05
		Қ	1,51±0,19	1,58±0,17	1,79	>0,05


“Қалдирғоч” машқини бажаришда барқарор ҳолатни сақлаб туриш давомийлиги тажриба гуруҳида ўрта ҳисобда 0,62 сек.га, назорат гуруҳида 0,15 сек.га ошганлиги аниқланди. Тажриба ва назорат гуруҳлари болалари ўртасидаги фарқ аҳамиятли бўлиб, ўртача 0,47 сек.ни ташкил қилди. Ушбу машқ кўзларни юмган ҳолда бажарилганда вақт кўрсаткичлари аҳамиятли даражада яхшиланди, яъни: тажриба гуруҳидаги ўғил болаларда 0,35 сек.га, қизларда 0,41 сек.га ( $p < 0,05$ ), назорат гуруҳида эса мос равишда 0,06 ва 0,07 сек.га ( $p > 0,05$ ). Иккала гуруҳлар ўртасидаги фарқ - 0,71 сек.ни ташкил қилди.

Тадқиқотнинг бошида тажриба гуруҳида статик мувозанат сақлаш қобилиятининг ривожланиши паст ва ўртадан паст даражада бўлган болаларнинг сони 30 нафарни (37,5%) ташкил қилган бўлса, якунига келиб бундай болалар қолмади, кўрсаткичлари ўртадан юқори ва юқори даражага етган болалар 60 нафарни (75%) ташкил қилди. Назорат гуруҳида эса, ривожланиши паст ва ўртадан паст даражада бўлган болалар 25 нафарни (30%), ўртадан юқори ва юқори даражадагилар эса – 2 нафарни ташкил қилганлиги аниқланди.

Педагогик тадқиқот якунида тажриба гуруҳи болаларида назорат гуруҳидагиларга нисбатан динамик мувозанатни сақлаш кўрсаткичларининг юқори бўлиши ва уни тавсифловчи барча кўрсаткичлар бўйича юқори даражадаги статистик ишончли ўзгаришлар аниқланди (4- ва 5-расмлар).



**4-расм. Педагогик тадқиқот бошида ва якунида тажриба гуруҳи болаларида СМС қобилиятининг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари динамикаси**



**5-расм. Педагогик тадқиқот бошида ва якунида назорат гуруҳи болаларида статик мувозанат сақлаш қобилиятининг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари динамикаси**

Педагогик тадқиқот давомида тажриба ва назорат гуруҳларида динамик мувозанатни сақлаш қобилиятининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси 7- ва 8 – жадвалларда келтирилган.

**7-жадвал**

**Тажриба гуруҳи ўғил ва қиз болаларида динамик мувозанатни сақлаш қобилиятининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси (5-6 ёш)**

Т/р	Назорат машқлари	Жинси	Тадқиқот бошида	Тадқиқот охирида	t	p
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$		
1	Гимнастика ўриндиғида оёқ учида юриш, сек.	Ў	5,83±0,64	5,16±0,61	3,28	<0,001
		Қ	5,65±0,62	5,12±0,59		
2	Кўзни юмган ҳолда гимнастика ўриндиғида юриш, сек.	Ў	9,35±1,16	8,75±1,05	2,41	<0,05
		Қ	8,97±1,55	8,32±1,04		

## 8-жадвал

**Назорат гуруҳи ўғил ва қиз болаларида динамик мувозанатни сақлаш қобилиятининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси (5-6 ёш)**

№	Назорат машқлари	Жинси	Тадқиқот бошида	Тадқиқот охирида	t	p
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$		
1	Гимнастика ўриндиғида оёқ учида юриш, сек.	Ў	5,64±0,75	5,45±0,66	1,84	>0,05
		Қ	5,53±0,73	5,36±0,64	2,82	<0,05
2	Кўзни юмган ҳолда гимнастика ўриндиғида юриш, сек.	Ў	9,46±1,17	9,27±1,09	1,58	>0,05
		Қ	9,26±1,14	8,98±1,08	1,56	>0,05

